

Turkiston

1925-yildan chiqa
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 13-aprel, shanba
№ 27 (15665)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 2013 йил 14-15 апрель кунлари расмий ташриф билан Россияда бўлади.

Ташриф доирасида давлат раҳбарлари икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қиладилар, миңтақавий ва халқаро аҳамиятга эга долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашадилар.

Ташриф якуплари бўйича 2013-2017 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик дастурини, Сармояларни рафбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим ҳамда икки мамлакат Президентлари томонидан 2012 йил 4 июнь куни Тошкент шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларацияда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган бошқа ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

Саҳнада — болажонлар

Миллий санъат марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Осиё рамзи» Ўзбекистон дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси ҳамкорлигига «Болажонлар — ширинтойлар» анъанавий болалар мода фестивали бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигига миллий либослар ва дизайн санъатини янада ривожлантириш, ёш модельерларнинг ижодий изланишларини ҳар жиҳатдан кўллаб-куватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани миллий либослар тарихи, уларнинг ўзига хос мактаб ва анъаналарини пухта ўрганиш, ёшларнинг бадиий-эстетик дидини тўғри шакллантириш, модельерлар, рассом ва дизайнерлар, кўли гул чеварларнинг ижодини халқимизга яқиндан таништиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ҳам қатор ижодий лойиҳалар ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда.

Анъанавий «Болажонлар — ширинтойлар» фестивалидан кўзланган асосий мақсад болалар либослари йўналишида изланаётган дизайннерлар меҳнатини рўёбга чиқариш, кичкントойлар учун маҳаллий хомашё асосида қулай, бежирим, экология ва санитария талабларига жавоб берадиган кийим-кечаклар тайёрлашни ҳар жиҳатдан кўллаб-куватлашдан иборат. Ўтган вақт мобайнида ушбу фестивалда муваффақиятли иштирок этган ёш дизайнер ва модельерлар мода саноатининг етакчи мутахассислари иштирокидаги маҳорат сабоқларидан баҳраманд бўлиши билан бирга, «Art Week.Style.uz» санъат ҳафтасиги, «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали, «Келажак овози» республика кўрик-танлови каби ижодий лойиҳаларда ўз тўпламларини кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда)



Юксакларни кўзлаб

Андижонда «Камолот» боғи

Андижон шаҳрида «Камолот» ёшлар боғининг очилишига бағишлиланган тадбир бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгashi, кенг жамоатчилик ва ёшлар вакиллари иштирок этди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгashi раиси Б. Фаниев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигига ёшларнинг таълим-тарбия олиши, спорт билан шуғулланиши, ишланиши, дам олиши, ўз иқтидори ва салоҳиятини тўлиқ

намоён этиши учун кенг имкониятлар яратиб берилаётганини таъкидлadi. Андижонда барпо этилган мазкур ёшлар боғи ҳам ана шу эзгу ишларнинг мантиқий давомидir.

Шаҳар худудидаги 4,5 гектарлик боғ «Камолот» фаоллари ташабbusi bi-

лан кўркам қиёфа касб этди. Қисқа мuddатda бу ерда кенг кўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Юз туп манзарали дарахт, 500 тупдан зиёд гул кўчатлари экилди. Шунингдек, 22 замонавий аттракцион, улкан фаввора барпо этилди. Боғда бир пайтинг ўзида икки минг нафардан зиёд аҳоли дам олиши мумкин.

Тадбир доирасида вилоятдаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири

Сардор Мулажонов фотоколлажи

Тараддуд

Қашқадарёга отландим. Йўл олис бўлса-да, йўл бўйлари, ям-яшил далалар чарчоқ ўрнига завқ бағишишарди. Қир-адирларда қийғос очилган лолақизғалдок, улоқ-кўзиларнинг сакраб-сакраб ўйнаши, бу ўзгача олам... Бугун вилоятда катта бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти. Кўп қаватли замонавий тураржойлар, майший хизмат кўрсатиш шохобчалари, кенг ва равон йўллар... Қаршининг марказий кўчасида жойлашган вилоят «Ёшлар» маркази шахар кўркига кўрк кўшиб турибди. Унга уйғунлаштирилиб бунёд этилган «Камолот» ва «Камалак» ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази бинолари яхлит мажмуани ташкил этади. Мажмуа атрофи ёшлар билан гавжум. Демак, қандайдир тадбир бор. Бу ердан «Камолот»чиларни сўраганимизда, йигилишда, дейишиди. Бироздан сўнг вилоят «Камолот»чилари чиқиб келишиди. Қисқа салом-алиқдан сўнг вилоятда 18-20 апрель кунлари ёшлар фестивали ўтишидан хабардор бўлдик.

БИЗ — БУЮК ЎРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ!

Хар йили мустақиллик байрами олдидан «Камолот» ёшлар ижтимиоӣ ҳаракати томонидан худудларда ёшлар фестивали ўтказиб келинганини. Мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан «Биз — буюк юрт фарзандларимиз» шиори остида ўтказиляётган ёшлар фестивали Қашқадарё воҳасидан бошланмоқда. Уч кун давом этидиган ушбу фестиваль республикадаги таникли олимлар, ёзувчи-шоирлар, санъаткор ва спортчилар иштирокида вилоятдаги барча туман ва шаҳарларда бўлиб ўтади. Жойларда «Депутат ва ёшлар», «Сиз севган қаҳрамонлар» ва «Замонамиз қаҳрамонлари», «Истиклол истеъододлари», «Оммавий маданият» ва ёшлар маънавияти», «Биз — соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!», «Иқтидор эгаси — обод юрт эртаси», «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» лойиҳалари, «Вижонли сотувчи» акцияси, «Президент асарлари билимдони» мавзууда семинар ташкил этилиб, «Мустақиллик фарзандлари» номли концерт дастури билан якунланади.

— Вилоятимизда ёшлар фестивалига катта тайёргарлик кўрилмоқда, — дейди «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши раиси ўринбосари Собир Мусулмонов. — Ҳозир

барча ташкилий ишларга масъуллар тайинланиб, аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Биринчи куни фестиваль доирасидаги лойиҳалар ва гала-концерт Нишон, Муборак, Касби, Миришкор, Деҳқонбод, Қамаши туманларида, иккинчи куни Яккабог, Чироқчи, Китоб, Шаҳрисабз, Фузор, Косон туманларида, учинчи куни Қарши шаҳри ва Қарши туманида бўлиб ўтади. Якуний гала-концерт дастури Қарши шаҳридаги амфитеатрда якунланади. Унда вилоятда турли соҳаларда юқори натижаларга эришаётган истеъододли ёшлар тақдирланади.

МАЪНАВИЙ ҲАЗИНАМИЗ БОЙ БЎЛСА...

Ҳаракатнинг вилоят кенгаши ёшлар маънавиятини оширишга, уларни иллатлардан огоҳ этишга, «оммавий маданият»га қарши курашиш учун кенг тарғибот ишларини олиб бормоқда. Бунда Ҳаракатнинг маданият ва маънавий-маърифий ишлар бўлими маҳсус дастурлар асосида ишламоқда. Ушбу бўлим ўқувчи-ёшлар орасида «Тафаккур», «Эҳтиёт бўлинг, лудомания!», «Ёшларнинг маънавий-ахлоқий дунёси», «Навоий ва Бобур ижоди — миллий маънавий ҳазинамиз», «Бетакрор шахсият, самимий шеърият», «Ёшлар орасида гиёҳвандлик воситаларининг

тарқалишига қарши кураш» каби ийрик тадбир ва лойиҳаларни ўтказиб келяпти.

— Вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигига жорий йилнинг июль ойига қадар Қарши шаҳридаги мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллажларида «Мустақиллик ёшларимиз: янгиликлар, тажрибалар ва ютуқлар» лойиҳаси ўтказилади, — дейди Ҳаракатнинг вилоят кенгаши бўлим мудири Гавҳар Татаева. — Лойиҳа аввалида Қарши давлат университети, Қарши мұхандислик-иқтисодиёт институти, Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалининг фаол талабалариридан иборат тарғиботчилар гурухи шакллантирилди. Эндиликда ушбу тарғиботчилар томонидан «тengdoш-tengdoшга» тамоили асосида таълим муассасаларида семинар-тренинглар ташкил этилди. Улар ёшларни ижтимиоӣ-маънавий ҳаётимизга таҳдид солувчи ахборотлар оқимидан ҳимоялаш, бундай ахборотларга нисбатан маънавий иммунитет ҳосил қилиш ҳамда интернет сайтларидан тўғри ва самарали фойдаланишга оид тавсиялар бермоқда. Шунингдек, ўқувчи ва талабаларга «Диний ақидапарастлик ва миссионерликка қарши кураш, конфессиялар ва миллатлараро тутувлик ва бағрикенглик» мавзууда тарғибот ишларини олиб бормоқда.

«Мустақиллик ёшларимиз: янгиликлар, тажрибалар ва ютуқлар» лойиҳаси май ойида умумтаълим мактабларида, июнь ойида академик лицей ва касб-хунар коллажларида ўз ниҳоясига етади. Тажриба сифатида биринчи бўлиб Қарши шаҳрида ўтказилаётган ушбу лойиҳа янги — 2013-2014 ўқув иилидан бошлаб туман ва шаҳрларда ҳам ўтказилиши режалаштирилган.

БИЛИМДОНЛАР БАҲСИ

Вилоят кенгашининг иқтидорли ёшлар ва ёш олимлар билан ишлаш бўлими ҳам янги лойиҳалар ташаббускори. «Тафаккур», «Билимдонлар баҳси», «Етакчи: кеча, бугун ва эртага!», «Миллий ўйинлар» шулар жумласидан. Ушбу бўлим вилоят телерадиокомпанияси билан ҳамкорлиқда ёшларнинг истеъодод ва қобилиятларини кўллаб-куватлаш, уларнинг иқтидорини намойиш этиш ва ҳалқа танишириш максадида «Тафаккур плюс» лойиҳасини ташкил этиди. Лойиҳа доирасида талабалар ўртасида «Тафаккур» интеллектуал ўйини, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида «Билимдонлар баҳси» кўрик-тандовини ўтказиб, «Қашқадарё» телевидениеси орқали намойиш этиб бормоқда.

— Ушбу интеллектуал ўйинлар ёшларнинг акл-заковатини янада ошироқда, — дейди бўлим мудири Абулвафо Тиловатов. — Билимлар баҳсида иштиrok этувчилар сони ҳам ортмоқда. Ҳарбий қисмларда ҳам жамоалар шакллантирилиб, фаол қатнашмоқда. Ҳарбий қисмнинг Жамшид Тожиев, Қарши мұхандислик иқтисодиёт институтининг Элёр Широв, Қарши давлат университетининг Искандар Пиров, Қарши иқтисодиёт коллежининг «Насаф», Муборак иқтисодиёт коллежининг «Муборак» жамоалари билимдонлар жамоаси саналади. Вилоятда ушбу жамоаларга ҳавас қилиб, янги жамоалар

ҳам ташкил этиляпти. Бундан барчамиз хурсандмиз.

ТАКРОРЛАНМАС ЛОЙИҲАЛАР

Вилоят «Камалак» болалар ташкилоти бетакрор лойиҳалар яратишга интилади. «Мен ҳам аскар бўламан», «Камалак» маликаси лойиҳаси эса бошқа худудларда учрамаган лойиҳалардан хисобланади. «Мен ҳам аскар бўламан» танлови ҳарбийлаштирилган мактабда таҳсил олаётган «Камалак» болалар ташкилоти аъзолари ўтасида бўлиб ўтади. Иштирокчилар танишув, («Менинг юртим, менинг мактабим — бу менинг фахрим!»), савол-жавоб («Билими зўр мингни йикар!»), саҳна кўриниши («Бизким ўзбеклар — буюк сиймолар авлодимиз!»), сафда юриш ҳамда спорт бизни дўстлаштираси каби шартлар асосида беллашади.

— Олдинлари ушбу лойиҳа ҳарбий қисмларда ўтказилган, — дейди вилоят «Камалак» болалар ташкилоти раиси Назира Назарова. — Ўқувчилар эса факат ҳарбий қисмлар билан таниширилар эди. Икки йилдирки, иштирокчилар турли шартлар асосида беллашмоқда. «Камалак» маликаси танлови ҳам янги лойиҳаларимиздан. Унда «Камалак» ёшидагилар танишув, хунарим менинг, сирои шарт, пазандалик, эркин мавзу шартлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишади.

Айни кунда «Камалак» болалар ташкилоти вилоят Болалар ва оиласларни кўллаб-куватлаш ассоциацияси билан ҳамкорлиқда «Маҳаллий масалаларни ҳал этишда ёшлар иштироки» лойиҳаси доирасида «Болаларнинг соғ бўлиш ҳукуки» мавзууда семинар-тренинглар ўтказмоқда. Тренингларда Бола ҳукулари тўғрисидаги конвенциянинг мазмун-моҳияти болаларга тушунарли тарзда етказилмоқда. Болаларнинг таклиф ва муаммолари тингланиб, соҳа мутахассислари томонидан ҳал этишга кўмаклашилмоқда.

**Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири**

Саҳнада — болажонлар

(Давоми,
боши 1-бетда)

Мазкур фестивалга таҳдим этилган кўплаб ижодий ишлар малакали мутахассислар томонидан сараланиб, улардан либослари энг яхши деб топилган 40 нафар дизайннернинг колекцияси «Болажонлар — ширинтойлар» лойиҳасига таҳдим этилди. Айни пайтда икки ярим ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган болалар мазкур фестивалда модель сифатида иштирок этиш имконига эга. Бу галги фестивалда олий ва ўрта маҳсус таълим масканларининг талабалари, «Баркамол авлод» болалар ижодиёт марказлари, мода ва дизайн мактаблари, арт-студияларда ижод қилаётган модельерлар

нинг тўпламлари кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди. Аҳамияти жиҳати — мазкур фестивалга таҳдим этилган болалар либосларининг дастлабки намуналари кейинчалик мамлакатимиздаги тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарида кенг миқёсда ишлаб чиқариш учун тавсия этилди.

Фестиваль қатнашчилариридан бири — 17 ёшли Мадина Қаландарова Республика рассомлик коллежининг либослар дизайнни йўналиши бўйича 2-курсда таҳсил олади. У мактабгача таълим муассасаларида ўтказиладиган «Эрталик» тадбирлари, болалар байрамлари учун ўн тўрт кўйлақдан иборат тўпламини томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Ёш ди-

зайнернинг айтишича, кийимларнинг бичими, тайёрланиш жараёнда матолар ва фасонларининг ўзаро уйғунлигига, бирбири билан мутаносиблигига алоҳида эътибор қаратилган. Чевар қиз тайёрланган кийимлар кўркамлиги билан бирга, ортиқча ҳашамлардан холи экани билан ажralиб турди.

Розия Ирисмуҳаммадова — Шайхонтохур туманидаги «Баркамол авлод» болалар ижодиёт марказининг либослар дизайн тўғараги раҳбари. У мазкур фестивалда «Шарқ жилолари» тўплами билан қатнашди. — Ўн беш хил кийимни ўзида мужассам этган либослар коллекциямда болаликнинг беғубор дунёсига мос тасвиirlарни акс эттиришга ҳаракат

қилдим, — дейди Розия. — Бундай кўйлақларни байрам тадбирларида ҳам кийиш мумкин.

Икки кун давом этиган фестивалда қатнашчилар томонидан тайёрланган болалар кийим-кечаклари тўпламлари мактаб либослари, кўчага кийиладиган кўйлақлар, байрамона кийимлар, авангارد йўналиши, миллий услуб, кўл меҳнати асосида тайёрланган кийимлар, матога гул чизиш, замонавий, ихчам ва кулаги либослар каби номинациялар асосида баҳоланди. Либослар тўплами энг яхши деб топилган дизайнер ва модельерларга диплом ва совғалар топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири**

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳри филиали VII анъанавий талабалар илмий-амалий анжумани бўлиб ўтмоқда. Анжуман талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш доирасида уштирилди.

Тажрибалар алмашинуви

Анжуманда 2-курс магистрантлари, 4-курс талабалари, шунингдек, илмий тўғракларда фаол иштирок этувчи ёшлар иштирок этияпти.

Аксарият маърузалар инглиз тилида янграётганлиги анжуманинг ўзига хос жиҳатларидан бири, дейиш мумкин. Яна эътиборлиси, анжуман муносабати билан магистратура ва бакалавриат босқичи талабаларининг маърузалари тезислар тўплами чоп этилди. Ушбу тўпламга VII талабалар илмий-амалий анжуманинг материаллари ҳам киритилган.

Бугун ушбу илмий-амалий анжуман ўз ниҳоясига етади.

Жавоҳир КАРОМАТОВ

Институтда 1 кун

Бу гал Наманган мұхандислик-технология институтында бўлдик. Айни сессия даври бўлгани учун институт ҳовлиси талабалар билан гавжум. Ҳамма ўз ташвиши билан банд. Лекин бизнинг «Камолот» ўз ҳаракатида давом этмоқда.

Беш-олти нафар йигит-қиз билан қизғин муҳокама ўтказаётган «Камолот» ЁИХ институт бошланғич ташкилоти етакчisi Мұхаммад Абдуллаевни сұхбатга тортдик. «Кутилмаган ташриф»имизнинг мақсадини тушунтиридик.

— Узр, ҳозир бир дақиқа! — дейе сұхбатдошимиз халиги йигитларга нималарни дир тушунтириди-ю, яна даврамизга қайти. — Келинг, аввал сизларни институтимиз билан яқиндан таништирасам. Институтимизда кимё-технология, мұхандислик-технология ҳамда енгил саноат маҳсулотлари технологияси факультетлари бор. Уларда бакалавр йұналишида 1700 нафардан зиёд, 2012-2013 ўкув йилларидан бошлаб олтига таълим йұналиши бүйича магистрантлар таҳсил олмоқдалар.

Шу ўринда «Камолот» ЁИХ институт бошланғич ташкилоти фаолиятига тұхталиб ўтсак: институт қошида Харатнинг саккиз нафар кенгаш аъзоси, 11 нафар факультет етакчisi, 1780 нафар фаоли фаолият олиб бормоқда. «Ёш журналистлар», «Дебат», «Фидойи ёшлар» клублары 130 нафардан зиёд талабалар аъзо бўлиб, ўтказилаётган тадбир ва лойихаларда ўз иқтидорларини намойиш этиб келмоқдалар.

Бугун институтимиз тұла таъмирдан чиқарилмоқда. Курилиш ва бунёдкорлик ишларыда институт «Камолот»чилари томонидан «Ҳашарчи ёшлар» гурухи ташкил этилган. Талабалар дарсдан бўш вақтларida қурувчиларга астойдил ёрдам бериб келишмоқда. Бундан ташқари, институтдаги ўн сотих бўш ердан унумли фойдаланиб, «Камолот» ёшлар бобини ташкил этганмиз. Талабаларимиз манзарали дараҳт ва гуллар кўйнида ҳордиқ чиқаригина қолмай, тадбирлар учун мўлжалланган саҳнада турли мавзулардаги спектаклларни намойиш этадилар.



«АМАЛИЁТНИ ЎЗИМИЗДА ЎТАЙМИЗ»

— Тадбиркорликнинг ҳам ўзига хос мاشақатлари бор. Ишбилармөнлик, ҳалоллик, матонат, таваккалчил... Тенгдошларимиз ўқиши баробарида бу соҳадаги ишларини аллақачон бошлаб юборишиган.

Нуридин Салохиддинов иқтисод йұналишида ўқыйди. 2010 йилда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ва «Мөхр нури» жамғармалари таълим грантлари ғолиби бўлган бўлса, 2011 йилда «Келажак овози»нинг «Ёш тадбиркорлар мактаби» йұналишида мұваффақиятга эришган. «Уй шароитида қишлоқ ҳұжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаси билан иштирок этиб, «Микрокредитбанк» томонидан ажратилган 3 миллион сўм кредит асосида ўз ҳовлисида томорқа ташкил этди ва якка тартибдаги тадбиркорликни йўлга кўйди.

Қизларнинг ҳам шиҳоати ўзгача. Нилюф Расулова маркетинг йұналишининг 4-курс талабаси. Тўракўрон туманидаги «Умидли келаҗак» аёллар ва ёшлар ўкув маркази ҳамда «Лола» нодавлат-нотижорат ташкилотининг директор ўринbosari сифатида фаолият олиб бормоқда. Қолаверса, «Ўзбекистон Республикасида уй ҳұжаликлири иқтисодиёти ва уни такомиллаштириш йұналишлари», «Иқтисодий ночор корхоналарни маркетинг стратегиялари асосида ривожлантириш ва соғломлаштириш» мавзууларидаги илмий ишларини инглиз тилида мукаммалаштиришмоқда.

— Назарияда олган би-

лимларимизни амалиётда қўллай олсан, марра — бизники, — дейди Нуридин Салохиддинов. — Енгил саноат маҳсулотлари технологияси кафедраси қошида тикув цехи ташкил этиш арафасидамиз. Тўқимачилик саноати маҳсулотлари ҳамда енгил саноат технологияси йўналиши талабаларининг амалиётлари шу ерда ўтказилади. Тикувчиликка иштиёқи баланд қизларимиз хунар сирларини мукаммал ўрганилар. Бунда Нилюфархон ташаббускорликни ўз қўлига олади, албатта!

ИНТЕРНЕТ «ОДОБИ»

Талабалар учун энг қулаги восита — бу интернет. Унинг кўмагида ҳар қандай фанни чукурроқ ўргансак бўлади. Айниқса, имтиҳон даврида энг яқин «дўст»имизга айланаб қолади. Лекин бунинг салбий томони ҳам бор-да! Кимё-технология факультети етакчisi Равшан Маврулов ана шундай «лекин»ларнинг олдини олиш ҳаракатида.

— Ширинликни севиб истеъмол қиласидиган инсон унинг заарарли томонларини ўйламайди. Билса ҳам, амал қилмайди. Интернетни ҳам ширинликка қиёслаш мумкин, — дейди сұхбатдошимиз. — Интернет тармоғи бугунги кунда инсониятни ташвишига солаётган гиёхвандлик, диний экстремизм, «оммавий маданият», ахборот хуружлари каби иллатлар тарғиботчиси бўлиб қолаяпти. Бу иллатларга қарши курашишда, аввало, ёшларда иммунитетни шакллантириш керак. Шуларни кўзда тутган ҳолда факультетимиз талабалари учун дарсдан ташқари ўкув машгулотларини ташкил этганмиз. Унда талабалар ин-

тернетни мукаммал равиша ўзлаштирибина қолмай, ундан фойдаланиш одобига ҳамриоя этадилар. Дарслар давомида ўтказиладиган интерфаол ўйин ва давра сұхбатларида интернетнинг ижобий ҳамда салбий жиҳатлари тўғрисида мутахассислардан жавоблар олиш имконияти ҳам бор. Қувонарлиси, бошка факультет талабаларининг таклифи билан ҳафтада бир кунда кўшимча машғулот ҳам олиб бораюпмиз.

МЕГАБАЙТДАН ГЕГАБАЙТГАЧА

Кечки пайт уй вазифаларини тайёрлаш билан бандсиз. Фикрларингиз тўлибтошяпти. Вақтида ёзиб олмасангиз, илҳомингиз «қочиб кетади». Бирдан компютерингиз ишдан чиқди. Оббо, энди уста чақиришингизга тўғри келади.

— Ҳозир компьютерда ишлашни билмайдиган ёшлар йўқ. Ҳеч бўлмаганда, Microsoft Word, Microsoft Excell дастурларидан бемалол фойдалана оладилар, — дейди молия йұналиши талабаси Зафар Толибжонов. — Талабалар туаржойида «Мегабайтдан гегабайтгача» компьютер ўкув курсини ташкил этганмиз. Унда талабалар компьютернинг мукаммал дастурларини ўзлаштирибина қолмай, тайёрлаш ишларини ҳам ўрганадилар.

Ташрифимиз чоғида жуда кўплаб иқтидорли йигит-қизлар билан мuloқотда бўлдик. Уларнинг барин янгиликлар яратиш иштиёқида. Ўзбекистон учун муносиб фарзанд бўлишни дилга муҳраганлар.

**Ойдина РЕЖАББОЕВА,
Наманган вилояти**

Tinib-tinchimaganlar

«Kamolot» sadosi

«Камолот» ЁИХ Чилонзор тумани кенгаши ташаббуси билан «Тошкент — меҳмондўст шаҳар» фестивали ташкил этилди. Унда тумандаги таълим муассасалари, корхона ва ташкиллардаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчилари иштирок этди.

Хуш келибсан, азиз меҳмон!

Фестивалда тумандаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг урф-одатлари асосида «Хуш келибсан, азиз меҳмон!» мавзууда миллий таомлар дастурхонини, «Вилоят тарихини ўрганамиз» мавзууда вилоят тарихи, муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳлар акс этган маҳсус ижодий альбомларни, вилоятнинг миллий либослар кўргазмасини, шунингдек, «Байраминг муборак, юртим!» мавзууда деворий газеталарни намойиш этишиди.

Фестиваль давомида ташкил этилган «Тошкент — меҳмондўст шаҳар» танловида таълим муассасалари жамоалари тўрт шарт бўйича ўзаро беллашди. Ҳакамлар ҳайъатнинг яқиний хуласасига кўра, Тошкент давлат техника университети қошидаги академик лицей жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси, 1-Тошкент педагогика коллежи жамоаси Хоразм вилояти, Чилонзор коммунал ва сервис касб-хунар коллежи Бухоро вилояти, Чилонзор тиббиёт коллежи Самарқанд вилоятининг миллий урф-одат ва анъаналарини моҳирона намойиш этганлиги учун фахрли биринчи ўринга лойик деб топилди.

— Танловда Фарғона вилоятининг урф-одатларини намойиш этишишимизга тўғри келди. Берилган вазифаларни юқори даражада бажариш учун тенгдошларимиз билан кўпроқ изландик. Фарғонача миллий таомларни тайёрлашда эса, устозларимиз маслаҳатига сундик. Натижада иккинчи ўринга сазовор бўлдик, — дейди Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги академик лицейнинг «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчisi Хурсандали Эгамов.

Фестиваль ҳаваскор хонандалар, эстрада юлдузлари, театр актёrlари ҳамда шоирлар иштирокидаги театрлаштирилган томошага уланиб кетди.

Рустам ЮСУПОВ



Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг

таъсис этилгани кўплаб иқтидорли қизларнинг ўз эзгу орзуларини рўёбга чиқаришларига имконият

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ХУЗУРИДАГИ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМОАТ ФОНДИ ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: «Мустақил оммавий ахборот воситаларини янада мустаҳкамлаш, қонунлар, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар ривожланиш соҳасидаги давлат дастурлари талабларининг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, мамлакатда ўтказилаётган ислохотлар сиёсатининг очилиги ва ошкоралигини таъминлаш, ахолининг ҳуқуқий онгини шакллантириш, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий билимларини юксалтириш».

Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нағоротат ташкilotлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг куйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

— «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгиланган давлат ва жамият бошқарувининг устувор вазифаларини ҳал этишда худудий нодавлат ОАВларининг фаол иштирокини таъминлаш;

— давлат ҳокимияти органлари фаoliyati ҳақида жамоатчиликни хабардор килиб бориш, ахолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, аввалимбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлеклari, қонуний манфаатлari билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаш;

— ахолининг экологик ва тиббий маданиятини янада яхшилашда ахоли орасида, айниқса, ёшларга соглом турмуш тарзини тарғиб қилишда ОАВ ролини ошириш;

— ахолининг, энг аввало, ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш ва маънавий қадриятларимизни янада мустаҳкамлаш, уларда мустақил тафakkurni тарбиялаш;

— нодавлат оммавий ахборот воситалари томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга, ахолининг ҳуқуқий онгини шакллантириш, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий билимларини юксалтиришга кўмаклашиш;

— миллий матбуотнинг сифати, маҳорати ва самарасини изчил ошириш;

— босма ОАВлари материалларини мамлакатимиз ахолисининг анъаналари, менталитети, кўп асрлик ижтимоий ривожланиш таҳрибаси ҳамда жаҳон тамаддунинг замонавий ютуқларини хисобга

олган ҳолда касбий, ғоявий ва бадиий савиясини юксалтириш;

— ОАВнинг молиявий ва иқтисодий эркинлигини мустаҳкамлаш, ахборот соҳасида бозор механизmlарини янада ривожлантириш;

— интернет журналистикасини ривожлантириш, миллий матбуотни ҳалқаро медиаоламда муносаб ўринга эга бўлиши мақсадида унинг усусларини ўзлаштириш.

Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Жамоат фонди номига грант лойиҳаси тақдим этилаётганлиги ҳақида кузатув хати.

2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант олиш учун лойиҳа ва унинг CD дисқдаги электрон варианти.

3. Ташкilotning давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гувоҳнома нусхаси.

4. Низом нусхаси (ташкilot муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манбаатдор давлат ва жамоат ташкilotlарининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 миллион сўмгача. ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ўз маблағларини жалб этилиши ва ижтимоий шериклик қўллаб-қувватланади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 22 апрель соат 18:00 га қадар қабул қилинади.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (A4 формат): 100035, Тошкент шаҳри Бунёдкор шоҳқӯчаси, 1-йида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин.

**Маълумот учун тел:
239-26-76, 239-26-64.**

Эзгу ниятлари ушалаётган қиз

Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti sovrindorlari

Мамлакатимизда иқтидорли ёшларни аниқлаш, тарбиялаш ва рафбантаририб боришга алоҳида эътибор қаратилаётгани истеъод соҳиблари сафи янада кенгайшида муҳим омил бўлмоқда.

яратмоқда. Бу йил Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари қаторига Фарғона вилояти Данғара саноат касб-хунар коллежи Збосқич ўкувчиси Фарида Умаралиева ҳам қўшилди. Изланувчан бу қиз зукколиги, аъло хулқи ва истеъоди билан тендошлари орасида эътибор қозонган.

Фариданинг шеърияга, адабиётга меҳри болалик йилларидан намо-

ён бўлди. У шеърлар машқ қила бошлади. Илк ижод намуналари ёқ Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйгулари билан йўғрилгани боис, кўпчилиқда катта қизиқиш уйғотди. Натижада, «Орзуларим», «Дилларнинг кўш навоси», «Бахт қасрида яшайман», «Қалбдаги қўёш» каби шеърий тўпламлари муҳлислар ҳукмига ҳавола этилди. «Яхшилар васфи» номли кито-

би эса ёш истеъод соҳибасининг публицистик жанрда ҳам яхши қалам тебратишидан дарак берди.

Фарида Умаралиева вилоят ва мамлакат миқёсида ўтказиб келинаётган турли танловов ва анжуманларнинг фаол иштирокчи сидир. 2006 йилда республика ёш қаламкашларининг «Нафосат» танловида, 2008 йилда «Янги авлод» болалар ижодиётни фестивалида, 2012 йили «Ватан ягонадир, Ватан биттадир!» кўриктанловида қатнашиб, голиблар сафидан ўрин олди. Шу йил Ёзувчилар ўюшмасининг Дўрмон бо-

ғида бўлиб ўтган ёш ижодкорларнинг III республика семинарида унинг асарлари таникли шоир ва адилар эътиборини тортиди.

— Биз, ёшларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва фамхўрлик учун Юртбoshimizdan чексиз миннатдормиз, — дейди Фарида. — Бунга жавобан янада шиҷоатли бўлишга интиламан. Ватанимизга, халқимизга муносаб фарзанд бўлиб, билдирилган ишончни оқлаш учун бор куч-ғайратимни сафарбар этаман.

**М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ХУЗУРИДАГИ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМОАТ ФОНДИ ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: «Обод турмуш или» Давлат дастурини амалга оширишда ҳамда ахоли фаровонлигини таъминлашга, бандлигини оширишга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, ахоли турли қатламларига манзилли ижтимоий кўмак кўрсатишига йўналтирилган бошқа ижтимоий аҳамиятга эга дастурларни бажаришда ННТ ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўзаро ижтимоий шериклигини кучайтириш.

Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нағоротат ташкilotlari, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг куйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

— аёллар ва ёшларни, ёш оиласарни, имконияти чекланган фуқароларни ҳамда ахолининг кўмакка мухтоҷ бошқа қатламларини ижтимоий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш;

— аёллар ва ёшларни ижтимоий ҳуқуқий ҳимоя қилинишини, реабилитациясини, бандлигини таъминлашни янада кучайтириш, мамлакатимиз ҳудудларида ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш;

— ахолига янги иш ўринлари яратиш ва ишга жойлашишларига ёрдам кўрсатиш;

— ҳудудларимизда, айниқса, узок қишлоқ ҳудудларида оиласавий бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик ва халқ хунармандчилигини, тадбиркорлик фаолиятининг бошқа шаклларини ривожлантиришга янада кўмаклашиш;

— ёшларни, энг аввало, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юргулари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига янада кенгрок жалб этиш учун шароитлар яратишга ёрдам бериш;

— аёллар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, узоқ туманлар ва қишлоқ ҳудудларида уларнинг касбий таълими сифатини яхшилаш;

— жамиятимизнинг маънавий асосларини янада ривожлантириша оиласавий роли ва аҳамиятни оширишга, жамиятимизда азалий миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни, одобахлоқ таъмиллари ва соглом турмуш тарзини янада мустаҳкамланишига

кўмаклашиш;

— ахолининг ҳуқуқий онгини шаклантириш, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини ошириш.

Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Жамоат фонди номига грант лойиҳаси тақдим этилаётганлиги ҳақида кузатув хати.

Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нағоротат ташкilotlari, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтlарinинг куйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант олиш учун лойиҳа ва унинг CD дисқдаги электрон вариантни;

3. Ташкilotning давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гувоҳнома нусхаси.

4. Низом нусхаси (ташкilot муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манбаатдор давлат ва жамоат ташкilotlарinинг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 миллион сўмгача. ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши ва ижтимоий шериклик қўллаб-қувватланади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нағоротат ташкilotlari ва фуқаролик жамияtinинг бошқа инstitutlari иштирок этишлari мумkin.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 22 апрель соат 18:00 га қадар қабул қилинади.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳrланган конвертда (A4 формат): 100035, Тошкент шаҳри Бунёдкор шоҳқӯчаси, 1-йида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Нодавлат нағоротат ташкilotlariни ва фуқарolik жamияtinинг бошқа инstitutlariни юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартlari ва танлов ҳужжatlarinинг namunalari bilan Жамoат фондининг www.fundngo.uz расмий saitiда taniishi shumkin.

**Маълумот учун тел:
239-26-76, 239-26-64.**

Хонадон чароғон, күнгил нурафшон

Турмуш ободлиги, рўзгоримиз фаровонлиги ҳақидаги дастлабки тасаввумиз, табий тушунчамиз, албатта, шундай: табий газ, электр энергияси, ичимлик сувининг узлуксизлиги ва яшаб турган ўйимизнинг кўркам ва қулайлиги.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари аҳоли фаровонлигини ошириш йўлидаги дадил ва изчил қадамлардан дарак бериб турибди. Намунивий лойиҳа асосида қурилаётган уйларни кўриб барчамиз ҳавас қилияпмиз. Бу тураржойларда ҳамма шароитлар муҳайёлиги, уларнинг замонавий қиёфага эга эканлиги инсоннинг янгила яшашга бўлган иштиёкини оширади. Янги қурилаётган уйларда факат қурувчиларнинг эмас, сувчиларимиз, газ ва электр тармоқлари идоралари ходимларининг ҳам катта меҳнат улуши бор. Ахир, уйнингизда бир соат чироқ ўчин, қандай ахволга тушасиз?! Шунда уйдаги мавжуд бошқа қулайлик ва шароитлар учнчалик татимайди кишига. Шундаймасми?!

Мамлакатимизда бу йил ҳам ҳалқнинг турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш, муносиб ўй-жой ва ижтимоий-майиший шароитлар яратиш, янги ўй-жойлар қуриш, замонавий уйлар ва муҳандислик коммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви, электр энергияси ва иссиқлик билан кафолатли таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

«Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» ОАЖда ҳам «Обод турмуш йили» давлат дастури доирасида кўпгина ишлар баҳарилиши режалаштирилган. Бу қилинажак ишлардан кутилаётган натижага битта: у ҳам бўлса, вилоят аҳолисини электр энергияси билан ишончли ва узлуксиз таъминлаш.

— Вилоят аҳолисини электр энергияси билан таъминлашни яхшилаш мақсадида жамиятимиз



аниқ чора-тадбирларни белгилаб олган, — дейди жамият бошқаруви раиси Файрат Аҳмедов. — Бу йил Зомин туманиндағи 10/35/10 кВ «Зомин» НС иккинчи навбатини ҳамда Арнасой туманиндағи 35/10 «Плотина-1» нимстанцияларини қуриш режаларимизнинг дастлабки бандини эгаллаган. Бу йил вилоятимизда якка тартибдаги ўй-жойлар барпо этилган 22 қишлоқ мавзеси учун 14,53 километр узунликда 0,4-10 кВ кучланиши ҳаво тармоқлари ҳамда 8 дона 10/0,4 кВли трансформатор пунктини ўрнатиш йил давомида бажарадиган асосий ишларимиздандир. Бундан ташқари, вилоятда 251,9 километр узунликда 0,4-10 кВ кучланиши ҳаво тармоқлари ҳамда 18 дона 10/0,4 кВли трансформатор пунктлари реконструкция қилинади. Шунингдек, вилоятда 570,6 километр узунликда 0,4-10 кВ кучланиши ҳаво тармоқлари ҳамда 197 дона 10/6/0,4 кВли трансформатор пунктини мұкаммал таъмирлашга корхонамиз аъзолари маҳкам бел боғлаган.

Ўтган йили ҳам ана шундай мақсадда кўп ишлар қилинди. Бу ишларни самарали ва муваффақиятли амалга оширишда корхонада ишчи ходимларнинг касаба үюшмаси томонидан моддий ва маънавий кўллаб-куватлаб турилганлиги ҳам асосий омилdir. Масалан, ёшларнинг дунёқарашини юксалтириш, ижтимоий-маданий соҳаларда тажриба алмашиш, қадимиий шаҳарлар тарихи ва ёдгорликлари, миллий урф-одатлар, анъаналар

билин танишириш, республикамизда амалга оширилаётган бугунги ислоҳотларни кенг тарғиб қилиш мақсадида корхонадан йигирма беш нафар ходим мустақиллик йилларида Наманган, Фарғона ва Андикон шаҳарларида барпо этилган улкан қурилиш ишларига гувоҳ бўлишиб ва тарихий қадамжоларни зиёрат қилиб қайтиши. Ёки жамият маблағи ҳисобидан ҳар хил турдаги китоблар, журналлар ва кўргазмали воситалар харид қилиниб, шаҳар ва туман электр таъминоти корхоналарига тарқатилганлиги ходимлар учун маънавий кўмакдир. Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Чимён қишлоғида жойлашган «Қўёшли» болалар оромгоҳида «Соғлом оила — жамият таянчи» шиори остида ўтказилган республика оиласи мусобақаларида жамиятнинг энергосотиши бўлими ҳисобчиси Абдумажид Норбўтаев, турмуш ўртоғи Анора Норбўтаева ва фарзанди Фанишер Ўсканов фаол иштирок этганлиги корхонада спортга бўлган алоҳида эътибордан дарак беради.

— Ходимларнинг болаларининг ҳам яхши дам олишига эътибор қаратамиз, — дейди жамият касаба үюшмаси қўмитаси раиси Илҳом Уринов. — Ўтган йили тизим ходимларининг фарзандлари вилоятимиздаги Амир Темур, «Пахтакор», «Камолот» ва «Наврўз» номли болалар оромгоҳларида дам олиши. Ана шундай болалардан қирқ икки нафари оромгоҳларда соғломлаштирилди. Ўн нафар бола эса имтиёзли рафишида бепул соғлом-

лаштирилди. «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан энергетика ходимларининг соғлиқларини тиклаш учун Тошкент шаҳрида тиббий санитария қисми фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳар йили бир неча ходим ва оила аъзолари ушбу муассасада соғломлаштирилади. Ушбу компанияга қарашли «Нурафшон» сиҳатгоҳида ҳам ходимлар даволанишиб туришади. Ўтган йили корхонамизда ишлаётган ёш оиласи қўллаб-куватлаш мақсадида вилоят қишлоқ жойларида қурилаётган намунали ўй-жойларни сотиб олишга тўланадиган дастлабки бадалларни тўлаш учун бешта ёш оиласа 125 миллион сўм фоизсиз ссуда берилди. Бу йил эса ўн етти нафар ёш оиласа 579 миллион 500 минг сўм ажратилди. Зомин туман электр таъминоти корхонаси мухандиси Музаффар Эргашев, Зафаробод туманиндан мухандис Мажид Донабоев ана шундай ёшлардан саналади. Улар бу йил янги қуриб битказилган ўй-жойларда оиласи билан яшашни бошлайдилар.

«Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» ОАЖ томонидан амалга оширилаётган ишлар, албатта, таҳсинга сазовор. Хонадонларни чароғон, кўнгилларни нурафшон айлаш муддаоси билан тиним билмай ишлаётган тизим ходимларининг турмушимиз обод ва фаронлигига қўшайётган ҳиссаси чексиз. Бу ҳиссанинг ўлчови, баҳоси йўқ, албатта.

Шоди ОТАМУРОД,
«Turkiston» мухбири

Ҳар йили баҳорнинг илк кунида шоира Зулфия таваллудини юртимизда кенг нишонлаймиз. Шеърларидаги кўклам нафаси, япроқдар шивири, буутларни писанд этмай балқиган күёш тафти кўнгилда ажиб ҳислар уйғотади. Фараҳбахш кун билан бошланган баҳор байрамларга бой.

Рағбатдан руҳланган Робия

8 марта — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида Президентимиз бир гурух қизларни адабиёт, фан, таълим, маданият, санъат йўналишида эришаётган катта ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлайдилар.

Жорий йилда Ватанимизнинг ана шундай юксак мукофотига лойиқ топилган ўқувчи-қизлар орасида Тошкент молия институти қошидаги 2-академик лицеј ўқувчиси Робия Рўзиева ҳам бор.

Тошкент молия институтида Зулфия номидаги Давлат мукофотига маданият йўналиши бўйича сазовор бўлган Робия Рўзиева иштироқида давра сухбати бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳридаги туманлар хотин-қизлар қўмиталари раислари, Тошкент молия институти, институт қошидаги 1-, 2-академик лицейлар ҳамда Тошкент банк коллежи ўқитувчи, ўқувчилари иштирок этган мазкур тадбирда Робиянинг тенгдошларига ўрнак бўла оладиган ирататли фаолияти ҳақида сўз борди.

Давра сухбатида сўзга чиққанлар мустақил Ватанимиз тараққиётида, ҳалқимиз эришган ютуқлар за мирида жонкуяр, фидойи, меҳнаткаш қизларимизнинг ўрни бениҳоя катта эканлигини эътироф этиб, ўсиб келаётган ўқувчи, талаба-қизларнинг эзгу интилишларини ҳар томонлама кўллаб-куватлаш, рағбатлантириш борасида салмоқли чора-тадбирлар амалга оширилаётганлигини таъкидлаб ўтдилар.

— Бу йилги баҳорни катта қувонч билан кутиб олдим, — дейди Робия. — Мана, кўксимда ушбу залворли мукофот шуъла сочиб турибди. Бу шуълалар ҳеч қачон хира тортмаслиги учун янада кўпроқ ҳаракат қилишим керак. Зулфияхонимга муносиб издош эканлигимни ўқиш ва ишларимда исбот қилишим керак. Ёшлар — Ватан келажаги. Ватанимиз янада чирой очиши учун елиб-югарамиз. Келажакда журналист бўлмоқчиман.

Робия Рўзиева Олмазор туманиндағи 165-мактабни аъло баҳоларга тутагтан. Ҳозирда лицейнинг аниқ фанлар йўналишида таҳсил оляпти. У болалиқдан сухандон ва телебошловчиларга ҳавас билан боқарди. Айниқса, Раъно Жўраева, Дилором Умарова, Насиба Мақсадова каби таникли сухандонларга ўхшагиси келарди. Робиянинг бу истаги 2008 йилда уни НТТ телеканалидаги «Янги авлод» кўрсатуви кастингига етаклади. Кастингдан муваффакиятли ўтгач, «Янги авлод»нинг «Флора», «Ҳайвонот олами» саҳифаларида бошловчиллик қилди.

2010 йилда у НТТ телеканалининг «Бунёдкор ёшлар» телеклубига аъзо бўлди. «Болалар нигоҳи» кўрсатуви ва «Болалар луғати» саҳифаларида бошловчиликни давом эттириди. У ерда устозларидан репортаж, лавҳа ҳамда тадбир сценарийларини ёзиш сирларини ўрганди. Шунингдек, у мунтазам «Камолот» ЕИХ томонидан ташкиллаштириладиган семинар-тренингларда фаол иштирок этади.

Лицейда устозлари ва тенгдошлари у билан фахрланади. Ўтказиладиган тадбирлар сценарийси муаллифи ва бошловчиси. Лицейнинг «Адабиёт гулшани», инглиз тилидаги «Смарт», тумандаги «Ораста қизлар» тўгаракларининг жонкуяр аъзоларидан бири.

— Истеъододли қизимиз Робиянинг юксак мукофот билан тақдирланиши, албатта, унинг ҳозиргача амалга оширган ишларига берилган баҳо, келажакдаги мақсадларига рағбатdir, — дейди академик лицеј директори Гулноза Йўлдошева.

— Тенгдошимиз Робияга ҳавасим келди. Албатта, у бу ютуқларга ўз-ўзидан эришмаган. Унинг тиришқоқлигидан барчамиз ўрнак олсан, арзиди, — дейди Тошкент банк коллежи ўқувчиси Махфузза Исломова.

Робияга тенгдошлари бугун чиндан ҳам яна бир бор ҳавас билан бокишиди. Кўнгилларидаги максадларига рағбатdir, — дейди академик лицеј директори Гулноза Йўлдошева.

Робияга тенгдошлари бугун чиндан ҳам яна бир бор ҳавас билан бокишиди. Кўнгилларидаги максадларига рағбатdir, — дейди академик лицеј директори Гулноза Йўлдошева.

Майсара НАЗАРОВА,
«Turkiston» мухбири

Мафтункор ранглар жилоси

Пойтахтимиздаги Республика ихтисослаштирилган санъат мактабида моҳир мусаввир, мазкур мактаб ўқитувчisi Гўзал Цингалованинг «Утрашув» номли шахсий кўргазмаси очилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Бадиий академияси аъзолари, таниқли мўйқалам соҳиблари, ёш мусаввирлар ва мактаб ўқувчилари иштирок этди.

Рассомнинг кўргазмадан ўрин олган, манзара ва натюроморт жанридаги йигирмадан зиёд асари ёрқин ранглар уйғунлиги, фалсафий мазмун-моҳияти билан томошабинларда чуқур таассурот қолдириди. Айниқса, «Садоқат», «Кайфият», «Шарқ гузали», «Оқтош» каби суратлар мусаввир ижодий савияси, борлиқни англаш, табиат

гўзаллигини ҳис этиш туйғуси нечоғли ўткирлигидан дарар беради.

Тасвирий санъатнинг қудрати, жозибаси шундаки, уни қайси миллат вакили мўйқалам билан акс эттирмасин, асарни барча сўзсиз тушунади ва бу билан сурат бутун инсониятнинг маданий мулки бўлиб қолади. Гўзал Цингалованинг шундай гўзал асарла-



ри кўп. Биргина «Сой» номли суратини томоша қилган киши қуюқ дарахтзор оралаб, тошдан тошга урилиб оқиб келаётган сувнинг шивирини эшигтандек бўлади.

— Кўргазмадаги ҳамма расмлар менга ёқди, — деди

Чўнтош адирларида

Денов туманинда «Чўнтош» маҳалла фуқаролар йиғинида «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» лойиҳаси ўтказилди. Миллий қадриятларимизни ўзида намоён этган ушбу лойиҳа «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Денов тумани кенгаши ташабуси ҳамда ҳамкор ташкилотлар кўмагида амалга оширилди.

Ўзига хос ёшлар сайлига айланган тадбирда икки мингга яқин ўқувчи ҳамда уюшмаган ёшлар иштирок этди. Улар миллий ҳалқ ўйинларидан чиллак, ошиқ, от, подачи, хўроздлар жанг, эшак минди, варрак учирини ҳамда арқон тортиш ўйинларида қатнашиб, ўзаро беллашди. Тад-

бирда тумандаги умумталим мактаблари, академик лицей ҳамда касбхунар коллажлари жамоалари миллий қадриятларимиз акс этган кўргазмали чиқишилари намойиш этишиди. Тумандаги 68-мактаб ўқувчилари томонидан олиб келинган ўтов (қора уй) ёшларда катта қизиқиш



уйфотди.

Тадбирда ўқувчи қизлар томонидан айтилган ўланлар, лапарлар, айтишувлар ҳамда она юртни мадҳ этувчи куй-кўшиқ, шеърлар байрамга янада шукуҳ бағишлиди.

Тадбир сўнгидаги варрак учирини, хўроздлар

жанги, чанковуз чалиш, чиллак ўйини, лапар айтишуви, ракс, кўшиқчилик ва фольклор, қадими урф-одатлар ва кийимлар намойиши каби йўналишлар ва 60 метрга югуриш мусобақаси ғолиблари аниқланди.

Гулжаҳон СУВОНОВА

Кучли, чаққон ва жасур қизлар

Андижон вилоятида қизлар ўртасида спортни оммалаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Қўргонтепа туманида кўл тўпи бўйича ўтказилган вилоят очик турнири Обод турмуш ўлига багишланди.

1997-1999 йилларда туғилган қизлар ўртасида ўтказилган турнирда шаҳар ва туманлардан келган жамоалар қатнашди.

Турнирнинг Кўргонтепа тумани Маъмуробод қишлоғида ўтказилиши бежиз эмас. Бу қишлоғнинг ҳандболчи қизлари вилоят терма жамоаси асосини ташкил этади. Ҳандболчи қизлар жамоаси ўтган йили Навоий вилоятида ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг республика финал босқичида фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, совриндорлар орасидан жой олган эди.

Турнир давомида майдон эгалари ҳисобланган маъмурободлик қизлар маҳорат бобида тенгдошларидан устун эканликлари

ни кўрсатдилар. Улар турнирда иккита жамоа бўлиб қатнашиб, учрашувларда «Маъмуробод-1» жамоаси кетма-кет ғалабаларни кўлга киритиб, ғолиб бўлди.

Шаҳар ва туманлардан келган жамоалар орасидан эса, асакалик спортчи қизлар яхши ўйин кўрсатиб, муҳлису мутахассислар эътиборини қозонишиди. Якунда Кўргонтепа туманинг «Маъмуробод-1» жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Асака тумани ҳандболчи қизлари иккинчи ўринга сазовор бўлган бўлса, мезбонларнинг яна бир жамоаси — «Маъмуробод-2»га учинчи ўрин насиб этиди.

**Муҳаммаджон КАРИМОВ,
Андижон вилояти**

Боболар ибрати

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз таваллудининг 677 йиллиги муносабати билан 2-Тошкент давлат юридик коллежида тадбир ташкил этилди.

Тадбирда Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни, маданий ва маърифий ишлари, давлатчиликка оид тажрибаси, бунёдкорлик ишлари ҳамда Темурийлар давлати ҳақида сўз юритилди. Олий Мажлис Конунчиллик палатасининг судхукуқ масалалари кўмитаси аъзоси Абдуҳаким Курбонов ҳамда коллеж ўқитувчилари «Ётук ва баркамол авлод — келажагимиз таянчи», «Инсон манфаати, ҳукуқ ва эркинликлари — олий қадри-

ят», «Обод турмуш — фаровон турмуш», «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган кўшимча ва ўзгартышлар» мавзуларида маърузалар ўқишиди.

Тадбирда коллеж ўқувчилари ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди, саволларига жавоб олишиди.

**Хусниддин ЁРМАТОВ,
2-Тошкент юридик коллежи ўқитувчisi**

Республика ихтисослаштирилган санъат мактабининг 1-синф ўқувчиси Шоҳруҳ Мадаминжонов. — Уларни ўзим учун суратга олдим. Расм чи заётганимда улардан ижодий фойдаланаман. Катта бўлсам, машҳур рассом бўлиб, шахсий кўргазмамни очаман.

Хар бир асарни узоқ вақт кўздан кечириб, ижодий таҳлил қилган ёшлар нигоҳида улкан ҳавас, мусаввирликка меҳр балқиб тургани гувоҳи бўлдик. Шу иштиёқ, шу шижоат мудом улар қалбида ҳукмрон бўлишини чин дилдан истадик.

**Хайридин МУРОД,
«Turkiston» мухбири.
Сардор Муллажонов
олган сурат**



«Етакчи» ёшлар маркази томонидан Ҳаракатнинг ҳудудий кенгашлари раис ўринbosарлари, «Камалак» болалар ташкилотлари, «Етакчи» ёшлар маркази филиали раҳбар ва координаторлари, «иқтидорли ёшлар ва ёш олимлар билан ишлаш» бўлими мудирлари ва етакчи мутахассислари, «ташкилий кадрлар ва ахборот-таҳлил масалалари бўлими мудирлари учун ўқув-семинар ташкил этилди.

Янги таклиф ва мулоҳазалар баҳси

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатнинг мактаблардаги бошлангич ташкилотлари етакчилари ва сардорлари фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган ушбу семинарда ёшларнинг бугунги кундаги қизиқишлари ва уларни Ҳаракат томонидан берилаётган имкониятлардан хабардор этиш борасида қандай чора-тадбирлар кўрилаётганига алоҳида ўтибор қаратилди. Тренинг машғулотлари эса, малакали мутахассислар томонидан олиб борилди.

Машғулотнинг дастлабки кунида «Энг намунали бошлангич ташкилоти» кўрик-танловининг ҳужжатлар тўпламини шакллантириш ва ушбу танловни ташкил этиш, маҳаллий ўқувларни ўтказиш тартиби, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгashi ва Халқ таълими вазирлиги томонидан 2012 йилда имзоланган «Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг умумий ўрта таълим мактабларидаги бошлангич ташкилотлари фаолиятини янада тақомиллаштириш тўғрисида»ги кўшма қарори, бошлангич ташкилот низоми ва ташкилий тузилмаси каби маърузалар ўқилди. Маърузалар «тengdoш-tengdoшга», сұхбат, очиқ мулоқот каби методлар орқали ташкил этилди. Тренинг давомида ҳар бир иштирокчинга фикри муҳокама қилинди.

Тингловчилар семинарнинг иккинчи кунида ўтказилган мавзуулар бўйича баҳс-мунозара олиб боришиди ва ҳар бир ўтилган машғулот таҳлил қилинди. Сўнгра «Намунали бошлангич ташкилот хонаси», «Бошлангич ташкилотда ҳужжатлар билан ишлаш», «Ўқув-семинарлар давомида кўлланиладиган самарали интерфаол усувлар», «Тақдимотлар ўтказиш технологияси», «Мулоқот психологияси», «Тренер имижи», «Социологик тадқиқотлар ташкил этиши», каби мавзуулардаги машғулотлар интерфаол ўйинлар, ақлий ҳужум методлари асосида олиб борилди. Шунингдек, иштирокчиларга янги лойиҳаларни тақдим этиш борасида тақлиф-мулоҳазалар берилди.

Ўқув якунида «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгashi раиси Баҳодир Фаниев билан очиқ мулоқот тарзида сұхбат уюштирилди ва иштирокчиларга ўзларининг тақлиф-мулоҳазаларини билдириши.

**Камола ИСМОИЛОВА,
«Етакчи» ёшлар маркази бош мутахассиси**



ни кўрсатдилар. Улар турнирда иккита жамоа бўлиб қатнашиб, учрашувларда «Маъмуробод-1» жамоаси кетма-кет ғалабаларни кўлга киритиб, ғолиб бўлди.

Шаҳар ва туманлардан келган жамоалар орасидан эса, асакалик спортчи қизлар яхши ўйин кўрсатиб, муҳлису мутахассислар эътиборини қозонишиди. Якунда Кўргонтепа туманинг «Маъмуробод-1» жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Асака тумани ҳандболчи қизлари иккинчи ўринга сазовор бўлган бўлса, мезбонларнинг яна бир жамоаси — «Маъмуробод-2»га учинчи ўрин насиб этиди.

**Муҳаммаджон КАРИМОВ,
Андижон вилояти**

ЭНГ ШИРИН ХАЁЛ



Баҳор... Кўнгилларни илиқ нурларга буркаб, гўзал туйгулар улашувчи фасл. Баҳорни уч фасл ҳам соғинади. Қиши ҳам, ёз ҳам, куз ҳам унга ҳавас қиласди. Бутун борлиқ шу фаслда ўзини англайди, гўзаллашади, тириклик оламининг ҳайрат ва эҳтиросига тўйинади.

Сочига сочпопук, бошига гулчамбар тақсан қизлар кўз олдингизда гўзал тароват билан намоён бўлади, юраклар энтишиб кетади.

Баҳорни соғиниб, қиши билан тезроқ ҳайрлашиш-

ни истаган дов-дараҳатлар, ўт-ўланлар, ҳатто қиши бўйи үйқудан зериккан қуртқумурсқалар, сайроқи кушлар, тоғу тошлар кўксига ям-яшил баҳмал тўшамоқ истаган майсаларни айт-

майсизми?..

Азалий удумларимиз ҳам шу фаслни қутлагандек, бир-бирини тўлдириб, кўнгилларни қувнатади. Оналар, аёлларнинг бир иши икки бўлади. Кимdir келин қидиради, кимdir тўй дастурхонини ёзиб, дўсту ёронлар кўнглини олишга шошилади. Яна кимdir сумалак учун буғдор ундириб, етилгач, кўни-кўшиналар билан ният қилиб, сумалак

қайнатади. Бундай лаҳзаларда, албатта, гўзал қизлар, зуцко ва санъатга ошуфта аёллар дил кулфи очилиб, кимdir дутор чертиб, хониш қиласди, кимdir қарсиллатиб доира чертиб, қизларни даврага чорлар, яна кимdir шеърхонлик қилиб, севишган ва севилган юраклар торини чертар...

Сумалак баҳона йифилган қиз-жувонлар, севган ва севилганлар бу гўзал оқшомни мунаввар тонгга улайдилар. Уй тўрида ўтирган онахонлар яратгандан ҳар бир кун, ҳар бир ойу йиллар учун қут-барака сўраб, ёшларга баҳт-саодат, барча-барчага иймон ва эътиқод тилаб дуога қўл очадилар, ҳаммага баҳорий кайфият тилайдилар.

Баҳор қисқа
ёшлик мисоли,
Мұҳаббат,
сен мангу бўлиб қол.
Сен сермазмун
умр тимсоли,
Шунданми, сен энг
ширин хаёл...

Моҳигул САМАДОВА,
Самарқанд вилояти



Омади келганда

Канадалик Мария Каррейро исмали аёл «Lotto max» лотереясида катта ютуққа эга бўлди. Яъни нақ қирқ миллион доллар эгасига айланди.

Мария ўша вақтнинг ўзида ютуқ чекини олиб кетди. Мариянинг сўзларига қараганда, ютуқни у аввалига қирқ минг доллар деб ўйлаган. Аммо «Lotto max» уни қирқ миллион билан табриклигандан анча вақтгача ўзига кела олмаган. Янги бой ҳозирча пулларни айнан нимага сарф этишини ошкор этмади, лекин маълум қисмини хайрия мақсадида ишлатиши аниқ экан. Статистик маълумотларга кўра, катта микдордаги пул ютугини ютиб олганлар аввалига қарзларидан кутилишар экан. 56 фоиз янги миллионерлар пулни дам олиш учун сарф этса, 36 фоиз голиблар янги ўй билан кифояланишар экан.

ШИРИНЛИК ЎГРИЛАРИ

Германиянинг Бад-Херсфельда шаҳрида беш тонна шоколад пастаси ўтирилаб кетилди. Маълумотларга қараганда, «Nutella» савдо белгиси остида чиқариладиган шоколад пастаси юк машинасида дўёнинг олиб келинган.


Сўнгра кеч тушиб қолгани сабаб машина автомобиллар тўхташ жойида қолдирилган. Оқибатда, эртаси куни қарашса, 15 минг евро деб баҳоланаётган ширинлик йўқ. Ҳозирга қадар Германия полицияси томонидан хеч қандай далил ва гувоҳлар топилмаган бўлса ҳам, ширинлик ўғриларини топишлари аниқ эканлиги айтиб ўтилган. Бундан бир неча ҳафта олдин худди шу шаҳарда катта микдорда муздай энергетик ичимликлар ўтирилган экди. Маҳаллий аҳоли эса тайёр маҳсулотларни ўтирайдиган гуруҳ чиққанини айтган.

Бўриларга қарши ламалар

Швеция ҳукумати бўриларга қарши ламалар ёрдамида курашишни ўз фермерларига таклиф қилди. Скон туманинг маъмури Нильс Карлсоннинг сўзларига қараганда, мазкур ойнинг сўнгидаги ҳар бир фермада ўртача тўрттадан лама пайдо бўлади.

Охириги вақтларда бўрилар ҳужуми ҳар доимидан ҳам кўпайиб кетган. Натижада, нафақат чорва, балки ёш болаларнинг ҳам ферма ҳудудида бўлиши ҳавфли бўлиб қолаётган экди. Шунингдек, ҳар бир йўқолган қўй учун ферма томонидан ҳукуматга 360 евро микдорида жарима тўланади. Маълумотларга қараганда, оғирлиги 150 килограммдан ошган ҳайвонлар йиртқичларга қарши курашда фаол бўладилар. Уларда жанговарлик инстинкти яхши ривожланган бўлади. Ламаларга тўхтадиган бўлсак, уларнинг оғирлиги 200 килограммдан ошиши билан бирга, бўйи салкам икки метрга етади. Ўттиз йилга яқин умр кўриши эса чорвадорларга яна ҳам қулай ҳисобланади.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади



Коллежда лаборатория-тадқиқот маркази

Данфара қишлоқ ҳўжалиги касбхунар коллежида 1162 нафар ўкувчи таълим олмоқда. Уларга 84 нафар ўқитувчи етти ўналиш бўйича касб-хунар ўргатилипти.

Таълимга илгор педагогик технологияларни кенг жорий этиш, ўқитишнинг янги усулларидан самарали фойдаланиш бўйича Олимахон Аҳмедова, Хотамжон Холдоров, Рашида Ваҳобова, Одина Пўлатова, Ҳаётжон Султонов каби тажрибали, интиливчан устозларнинг олиб бораётган ишлари таҳсинга лойиқ.

Қишлоқ ҳўжалиги ва таълим соҳасида ўттиз ийлил тажрибага эга бўлган қишлоқ ҳўжалиги фанлари номзоди Хотамжон Холдоров ветеринария ҳамда фермер ҳўжаликларини ташкил этиш ва бошқариш ўналишлари ўкувчиларининг ўз касби бўйича етук мутахассис бўлишлари йўлида ўз билим ва тажрибаларини аямётган жонкуяр устозлардан бири. Хотамжон ака ветеринария ўналиши учун келтирилган жиҳозлардан самарали фойдаланишни йўлга кўйган.

Хотамжон ака жорий ўкув иили якунига қадар коллежда лаборатория-тадқиқот маркази ташкил этишини режалаштирипти. Бунинг натижасида ўкувчилар турли ҳайвонларнинг ички тузилиши, касалликлари ва уларни қўзғатувчиларни аниқлаш, даволаш чораларини белгилаш бўйича амалий машғулотлар олиб боришади.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

СУРАТДА: тажрибали педагог X.Холдоров ўкувчилар билан амалий машғулот пайтида.

Умода ХУШВАҶТОВА,
Шахрисабз тумани

Ёшлар билан гавжум

Наманган давлат университети ахборот-ресурс марказида талаба ёшлар дарсдан бўш вақтини самарали ўтказмоқда.
Илмга чанқоқ ёшларнинг интеллектуал эҳтиёжларини тъминлашга хизмат қилаётган марказ 254 мингдан зиёд китоб фонди, даврий матбуот нашрлари, электрон кўлланма ва дарсликларга эга. Бу ердаги ахборот технологиялари, маънавий-маърифий, ахборот-библиография, мутолаа зали каби бўлимларда яратилган шарт-шароитлар замон талаблари даражасида.



Йўлимиз равон бўлгай!

Худудларимизда автотранспорт воситалари сони кундан-кунга ошиб бораётганилиги туфайли, табиийки, автомобиль йўлларида тифизликлар юзага келмоқда. Бу ўз навбатида пиёдалар зиммасига йўл ҳаракати қоидаларига оғишмай амал қилиш ва ўзларининг хавфсизлигини тъминлашдек масъулиятли вазифани юклайди. Пиёдалар светофорларнинг қизил ва яшил чироқларига эътиборли бўлиши, йўлнинг маҳсус белгиланган жойларидан кесиб ўтиши ва серқатнов йўллар четидаги пиёдалар йўлакчаларидан фойдаланиши муҳимdir.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини тъминлаш санарадорлигини ошириш, йўл-транспорт ҳодисалари ҳамда қидабузарликларнинг олдини олиш мақсадида жорий йилнинг 5 марта-дан 5 априлигача барча жойларда бўлгани каби Зарбдор тумани худудида ҳам «Дикқат, пиёда!» тадбири ўтказилди.

Жорий йилнинг иккайи давомида Жizzax вилояти худудида ҳаракат хавфсизлигини тъминлаш ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан бир қатор профилактик-назорат ва тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилганига қарамасдан, пиёдалар иштирокида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари сони йигирма тўрттани ташкил этиб, уларда тан жароҳати олганлар сони ўн олти нафардан ўн саккиз нафарга, ҳалок бўлганлар сони етти нафардан саккиз нафарга ошиб кетишига йўл кўйилган.

Жумладан, Зарбдор

тумани худудида ўтган йили жами ўн иккита йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, беш нафар фуқаро ҳалок бўлган. Ўн уч нафар фуқаро турли тан жароҳати олган бўлса, ушбу даврда пиёдалар иштирокидаги ҳодисалар сони саккизтани, ҳалок бўлганлар иккитани ва тан жароҳати олганлар олтитани ташкил этгани ачинари ҳолдир.

Белгиланган режага мувофиқ, ойлик тадбир жараёнида туман ҳокимилиги қошидаги ҳаракат хавфсизлигини тъминлаш комиссияси, маҳалла фуқаролар йигинлари, йўл-коммунал идоралари, туман ҳалқ таълими бўлими, «Камолот» ЁИХ худудий кенгашлари билан ҳамкорликда ойлик доирасида тарғибот ишлари олиб борилди. Кўргазмали куроллар, реклама, паннолар, шиорлар тайёрлаб ўрнатилди. Йўл ҳаракати қатнашчилари томонидан йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини ўрганиш ва назорат

қилиш мақсадида авто-корхоналарнинг ҳаракат хавфсизлиги муҳандислари, маҳалла посонбонлари, тиббиёт ҳодимлари ва оммавий ахборот воситалари вакилларидан иборат маҳсус гурӯҳлар тузилиб, рейдлар ўтказилди. Қоидаларга қаттый амал қилиш юзасидан назорат кучайтирилиб, бу борада профилактика инспекторлари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар мухокама қилиб борилди. Пиёдалар йўлаклари, ер ости ўтиш жойлари, пиёдалар ўтиш жойларининг чизиклари ва бошқа йўл белгиларининг мавжудлиги ҳамда ҳолати текширилиб, зарур бўлса, уларни қуриш, ўрнатиш ва чизиш, эскиларини янгилаш юзасидан туман ҳокимлигига тақдимномалар киритилди.

Шамсиддин ЗОИРОВ,
Зарбдор туман ИИБ
йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи катта инспектори,
серхант

Китобхонларни ахборот билан тизимили тъминлаш мақсадида марказда илм-фан ва жамиятнинг турли жабҳаларига оид маълумотлар электрон базаси яратилган. «ZiyoNET» ахборот тармоғига уланган компьютерлар йигит-қизлар ихтиёрида.

СУРАТЛАРДА: (чапдан) талabalар Мадина Собирова, Дилшода Умарова, Шоҳруҳ Маҳмудов, Мафтұна Абдураҳмонова;
Наманган давлат университети ахборот-ресурс маркази.

Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар



«Кулгидан қўймасин», «Кулинг, умрингиз узаяди», «Яхши қайфият билан бошланган кун бароридан келади», деган гапларни ҳәйтимизда тез-тез ишлатамиз.

Бир дунё кулги

Баъзида тушкун қайфиятимизни ўзимиз минг уринсан-да, кўтаролмаймиз. Аммо бир чимдимгина кулги уни кўтариб юбориши мумкин (бизга билдирамай). Ҳатто ҳар қандай тажанг одам ҳам кулгидан офтобда қолган мумдай эриб кетиши аниқ. Бу — кулгининг таъсири билан-да, албатта! Қисқаси, кулиги — кучли!

Фақатгина алоҳида инсонларни — хоҳловчиларни (улар узоқ умр қўришни, маданий ҳордик чиқаришни, маънавий озуқа олишни яхши билидиган инсонлар бўлиши керак) таникли кулги устаси, Эргаш Каримов номидаги кулги театри ташкилотчиси Шерали Хожиев (Мўтти, дейсизми — ҳа, адашмадингиз) ўзининг «Бир дунё кулги» деб номланган дастурини кўришга таклиф этади. Шунингдек, дастурда эстрада хонандаси Гули Асалхўжаева ҳамда... энг қизиги, кутилмаган меҳмон ҳам ташриф буоради.

Кутилмаган меҳмонни кўришга қизиқаяпсизми, унда дастур қаерда, қаҷон эканлигини эслаб қолинг: 18 апрель куни пойтактимиздаги «Туркистон» саройида.

Бир дунё кулги — ҳаммага етади!

Майсара НАЗАРОВА

YON DAFTARCHANGIZGA

Бадкирдорлар билан ошноликдан тийилиш керак, акс ҳолда эл назидда уларнинг номаъқул ишларига шерик саналиб қолиш ҳеч гап эмас.

Эзоп

МУАССИС:

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон
Республикаси
Матбуот ва ахборот
агентлигига 2007
йил 19 апрелда
№ 0242 ракам
билин рўйхатдан
ўтган.



ISSN 2010-6998
9772010699000

Бош мұхаррір:

Ашурев Салим Тұраевич

Тахрир ҳайъаты:

Баҳодир Фаниев, Мехриздин Шукоров (бош мұхаррір ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош мұхаррір ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодежь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи мұхаррір:

Юсупов
Рустам
Құчкорович

Сахифаловчи:
Рўзиев
Зафар
Хусанович

Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

Манзилимиз: 100083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида, А-3 форматда
чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ,
Корхона манзили: «Буок Турун» кўчаси, 41.

Босишига топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.45
ЎЗА якуни — 21.35

Оғсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6